

---

## “АЁЛ БОРКИ, ОЛАМ МУНАВВАР” НОМЛИ БАЙРАМ ТАДБИРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Риштон туманида 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан “Аёл борки, олам мунаввар” номли байрам тадбири ташкил этилди. Бугун туманимиздаги «Шинам» тўйхонасида 8-март Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда туман ҳокими ўринбосарлари, туманимиздаги фаол хотин-қизлар иштирок этишди. Тадбир давомида туман ижтимоий ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланишига ва фаровонлиги мустаҳкамланишига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган, жойларда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш ва миллий қадриятларни кенг тарғиб этиш борасида ибратли фаолият олиб бораётган бир гуруҳ фаол хотин-қизлар вилоят ва туман ҳокимлиги фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди. Тадбирнинг бадий қисми барчага байрамона кайфият улашди. Элимиз суйган санъат усталари, туман маданият бўлимининг таниқли хонандалар ижросида янграган қўшиқлар армуғони гўзаллик ва нафосат соҳибалари учун чинакам тўхфа бўлди. Иқтидорли ёшлар муқаддас аёл, мўътабар она, обод Ватан ва истиқлолимизни мадҳ этувчи тароналари, гўзал ашъорлари билан даврага файз бағишлади.

2023-03-06 15:15:25